«ОИЛА ТИЛИ» ТИЛНИНГ ЯШАШ ШАКЛИ СИФАТИДА

М.Саидхонов

Мақолада «оила тили» тилнинг яшаш шаклларидан бири ўлароқ талқин қилинган ва илмий асосланган. Ўзбек тилининг амалий қўлланишида оиладаги коммуникациянинг ўрни, роли ҳақида фикр билдирилган.

***Калит сўзлар**: оила, «оила тили», коммуникация, социолингвистика, ижтимоийлашув, психолингвистика, этнолингвистика.*

В статье «семейный язык» рассматривается и обосновывается как одна из форм бытования языка. Освещаются место и роль коммуникации в семье в практическом применении узбекского языка.

***Ключевые слова**: семья, «семейный язык», коммуникация, социолингвистика, социализация, психолингвистика, этнолингвистика.*

The «family language» is considered to be one of the living joins of the languages place and role of the a family communication are discussed in the article.

***Keywords:** family, «family language», communication, socio-linguistics, socialization, psycholinguistics, ethnolinguistics.*

Тилшуносларни қадимдан муайян тилнинг яшаш шакллари қизиқтириб келган. Ўзбек тили бошқа тиллар каби турли яшаш шаклларига эга бўлиб, улар адабий тил, оғзаки сўзлашув тили, ҳудудий чегараланган тил, ижтимоий диалектлар кабилардир. Булар ўзбек тилининг амалдаги қўлланиш жараёнлари бўлиб, улар мулоқот иштирокчиларининг яшаш жойлари, ижтимоий аҳволи, касб-кори, билими ва дунёқараши, шунингдек, савияси, ижтимоий табақаси каби омилларга асосланади. Ўзбек тилшунослигида ҳам социолингвистик қараш асосида тадқиқотларнинг олиб борилиши натижасида мулоқотнинг шаклланишида шахснинг ролига катта эътибор қаратилмоқда. Тилшуносликда антропоцентризм назариясининг устуворлиги натижасида алоқа-аралашувда коммуникантларнинг мавқеи ва муносабатлари тадқиқот объекти саналгач, «лисоний шахс» тушунчаси биринчи планга чиқди ва шу аснода қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу эса ўз-ўзидан тилнинг яшаш шакллари жабҳасининг кенгайишига, «лисоний шахс»нинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва мавқеининг бойишига сабаб бўлади.

Мулоқотнинг шаклланиши ва боришида шахснинг ёши, миллати, жинси, ижтимоий аҳволи, билими, савияси, касб-кори, руҳий, ҳиссий ҳолатидан ташқари коммуникантларнинг ўзаро муносабати ҳам аҳамиятли саналади. Бу ўринда алоқа-аралашувнинг шаклланиши ва боришида коммуникантларнинг (адресант ва адресат) мавқеи ҳам аҳамият касб этади. (олим-деҳқон, ота-бола, раҳбар-ишчи, аёл-эркак, чол-ўспирин ва б.)

Ҳозирги ўзбек адабий тилининг амалий қўлланиши ҳақидаги дарслик, ўқув-қўлланмаларда адабий тил, миллий тил, диалектал тил, арго, жаргон, касбий тил, шаҳар (қишлоқ) тили, койне ва бошқа сунъий тиллар ҳақида маълумотлар берилган бўлиб, бунда **ижтимоийлик** асосий мезон сифатида олинган. Лекин бола тилининг шаклланишида асосий омил бўлган «оила тили» тилнинг яшаш шакли сифатида кўрсатилмаган ва шунинг учун тадқиқот объекти бўлмаган.

Оила ижтимоий аҳамиятга молик бўлган жамиятнинг кичик уюшмаси бўлиб, муайян халқ, элат, миллат анъаналарини, урф-одатларини ва шу қатори тилини авлоддан авлодга етказиб берувчи, узвийлигини, давомийлигини таъминловчи жамоадир. Бу каби кичик социал гуруҳ аъзоларининг ўзаро алоқа-аралашувлари натижасида «оила тили» шаклланади ва кейинги авлодга узатилади. Энг эътиборлиси, инсон дунёга келгач, унинг шахс сифатида таркиб топиши оилада бўлади, у борлиқни оиласи призмасида идрок этади, изоҳлар, қайдлар, тушунчалар ва тил шу даргоҳда шаклланади ва такомиллашади. Оила аъзоларининг алоқа-аралашуви (мулоқоти)да шу оилага мос бўлган лисоний бирликлар, уларнинг талаффузи, гап қурилиши, рамзий ифодалар, имо-ишоралар, суперсегмент воситалар мавжуд бўлиб, улар «оила тили»ни ташкил қилади.

Ўзбек тилшунослигида ушбу мавзу тилнинг яшаш шакли сифатида тадқиқ этилмаган бўлса-да, А.Нурмонов, Н.Маҳмудов, Б.Ўринбоев, Ш.Искандарова, С.Мўминов каби олимларнинг асарларида оғзаки сўзлашув тили таркибида (оилавий коммуникация) гендер тилшунослиги, болалар нутқи, мулоқотнинг шаклланиши, оғзаки сўзлашув назарияси масалаларини ёритишда ушбу масалаларга қўл урилган.

Шахснинг лисоний шаклланиши оила даврасида бўлар экан, бола борлиқни оилада ҳис қилиб, ту-

шунчаларни оилада нутқий моддийлаштирар экан, илк коммуникатив муносабатлар тилда таркиб топади. Оила инсоннинг эркин нутқий алоқага киришиши, коммуникатив жиҳатдан индивидуаллигини намойиш эта олиши, доимий ва ўзаро тушунган коммуникантлар билан суҳбат олиб бориши билан бошқа жамоалардан фарқланади. Шу билан бирга, оила инсоннинг ижтимоийлашуви учун пойдевор бўлиб хизмат қилади: сўзларни қўллаш, гап тузиш, кўчма маънодаги сўзлар, янги сўзларни ишлатиш, фикрни таъсирчан ифодалаш ва ҳ.к.

Кейинги йилларда ўзбек тилшунослигида социолингвистик, психолингвистик, этнолингвистик аспектларда болалар нутқининг ўзига хосликлари бўйича илмий тадқиқот олиб борилмоқда. Лекин «оила тили» тилнинг яшаш шакли сифатида монографик планда тадқиқ этилмаган. «Оила тили»ни тадқиқ этиш катта аҳамият касб этадики, у шахснинг шаклланишида бирламчи факторлардан саналади» [1.278] ва инсоннинг ижтимоийлашувида асосий омиллардан ҳисобланади. Бошқа жиҳатдан, оила жамиятнинг бўғини бўлиб, ташқи олам билан доимий алоқада, контактда бўлади. Демак, муайян тилни тадқиқ қилишда унинг шаклланиш ибтидоси бўлмиш оила тилини ҳам тадқиқ объекти қилишимиз эътиборга лойиқ.

Мусулмон боласи дунёга келар экан, унинг жажжи қулоқларига илк бор азон айтилиб, унинг учун ва ота-онаси учун табаррук бўлган исм қўйилади. Бу билан мурғак болакай қалбига, шуурига исломий руҳ, исломий тафаккур юқтирилади. Олам юзини кўрган чақалоқ ўз исмига, бу билан ёруғ оламда ўз ўрнига, ўз «мен»ининг муқобилига эга бўлади. Бежизга ҳар бир мусулмон киши зиммасига энг зарурий мажбурият сифатида ўз фарзандига чиройли исм қўйиш фарзи юклатилмаган. Ёинки Мир Алишер Навоий ҳазратлари мурғак қалбга исм қўйиш ҳақида тўхталиб, «тарбиянинг бири болага от қўйиш бўлиб, уни ўша от билан чақирганларида у уяладиган бўлмаслиги керак»лиги ҳақида тўхталиб ўтади.

Олам юзини кўрган чақалоқ учун илк расмий мурожаат, бир томонлама бўлса-да, биринчи коммуникатив акт илоҳий азон каломлари ва бир умр у билан ҳамроҳ бўладиган исми ёрдамида амалга оширилади. Шундан сўнг гўдаклик даврида унинг қулоқлари бетакрор ва майин сас – она алласи билан озиқланади: унинг оҳанги, ҳар бир каломи болада миллий руҳни шакллантиришга ёрдам беради. Шу билан бирга, ҳали тили чиқмаган, олам билан фақат кўзлари орқали гаплашадиган мурғак қалб она тилимизнинг қудратини, соҳир янграшини, жозибаю малоҳатини, чуқур маъно ифодаловчи сўзларини ҳис қилади ва ундан озиқланади.

Ҳар бир инсоннинг тили оилада шаклланади. Она тилини болакайга илк бор сингдирувчи, унинг ҳар бир сўзларини ҳижжалаб уқтирувчи устоз – ўқитувчи Она саналади. Эътибор берсангиз, Оналар чақалоқ туғилиши билан у билан гаплаша бошлайдилар, она тилимизнинг оддийгина сўзларини, жарангдор талаффузини, соддагина гап қурилишини, гап оҳангию унинг ифодаланишини образга кирган ҳолда – имо-ишоралар билан: юз ва кўз, лаб ва бош ҳаракатлари билан, овозининг турфа жилвалари ва сифатий маъно нозикликлари билан болага етказади ва ундан табассум, кулги, бош қимирлатиш, оёқ, қўл тебратиш, нигоҳ, кўзлар ифодаси, шу билан бирга, турли овозлар, қийқириқлар, бақириқлар воситасида жавоб олади. Демак, алоқа-аралашув шаклланади, коммуникатив акт юзага чиқади. Мулоқот қилувчилар (коммуникантлар) сўзлар ва ишоралар билан ўзаро фикр алмашадилар, мулоқотлашадилар.

Шу ўринда алоқа-аралашувнинг нутқий ва нонутқий шаклда юзага чиқиши инсоният пайдо бўлгандан буён ишлатилиб келишини таъкидлаш жоиз. Бугунги кунда паралингвистик (новербал) воситалар саналган маъно ифодаловчи имо-ишоралар, овознинг маъно ифодаловчи сифатий ўзгаришлари, гавда ҳаракатлари орқали ахборот узатиш алоқа-аралашувда фаол ишлатилмоқда. «Фикрни тўлдириб келувчи, унга ёндош бўлган имо-ишора тилини муттасил равишда ўрганиш катта илмий ва амалий аҳамиятга моликдир» [5.103]. Шунга кўра нутқий фаолият имо- ишоралар билан алмашиши, тўлдириб борилиши, кузатилиши мумкин (тасдиқ маъноси «бош қимирлатиш» билан, инкор «бош тебратиш »орқали, бехабарлик «елка қисиш» билан ва ҳ.к.) ва имо-ишора тили асосан оила даврасида шаклланади. Онанинг ҳар бир ҳаракатидан, кўз қарашларидан бола маъно олади ва унда ҳам муқаллидлик асосида турли ҳаракатлар шаклланади.

Оиладаги она тилимизнинг илк муаллими билим даражаси, дунёқараши, сўз захирасининг бойлиги, унинг эмоционал-руҳий таъсирчанлиги, гапириш йўсинлари, мимик-ишоравий ҳолатлари ўқувчига - фарзандга сингади. Оиланинг бошқа аъзолари (ота, акалар, опалар ва б.) таъсирида боланинг тили шакллана бошлайди ва бу давр тилини - инсон тили учун пойдевор бўлган тилни - оила тили десак тўғри бўлади. Бу ҳолатни тилшунос Н.С.Саломатина «шахснинг персоналлашуви» деб изоҳлаб ўтади [6.3].

Тилнинг ижтимоий ҳодиса эканини эътироф этган ҳолда шуни айтиш керакки, ҳар бир тилнинг турли яшаш шакллари бўлади ва улар муайян тилнинг жамиятдаги кишилар даврасида ишлатилиши бўлиб [3.44], бунга кўра тил адабий, оғзаки-сўзлашув, кўча тили, шева тили, социал диалектлар (арго, жаргон, касбий ва б.) тили кабиларга бўлинади. Булар қаторига инсоннинг келажакдаги тил билимларига, мулоқотига, алоқа-аралашувининг

юзага чиқишига тамал тоши қўядиган оила тилини ҳам киритиш мумкин. Ахир бола идрок этиши, тафаккур қилиши, фикрлаши, ташқи ахборотни қабул қилиши, уни қайта ишлаши, мантиқий фикрлаши, мос равишда акс таъсир кўрсатиши керак, юздаги характеризаторлар (мимика, поза, ишора ва б.), дикция, сукут ва бошқалар оилада шаклланиб сўнг ижтимоиятда намоён бўлади. «Ҳар қандай тарбиянинг, айниқса, тил, маънавий комиллик, миллий ўзлик тарбиясининг бош ва бетакрор ўчоғи болани доимий ўраб турган ижтимоий муҳит, хусусан, оиладир» [4.9].

Социолингвистик, психолингвистик, культуролингвистик, паралингвистик ёндашув «оила тили»нинг ўзига хос жиҳатларини яққолроқ намоён этади. Бола нутқининг оилада шаклланиб, кўча муҳитида, боғчада, қариндошлар, қўшнилар билан мулоқотда реаллашуви, ахборот узатишда ёки маълум ахборотни қабул қилишда ундаги мимик-ишоравий ҳолат, мулоқотда новербал воситалардан фойдаланиши, руҳият ва ҳиссиётнинг нутқий коммуникацияга таъсири каби омиллар коммуникатив актни шакллантиради ва буларнинг умумлашмаси коммуникатив майдонни ҳосил қилади.

Биргина мулоқот жараёнида имо ва ишоралардан фойдаланиш жараёнига тўхталадиган бўлсак, алоқа-аралашув жараёнида паралингвистик воситалардан фойдаланиш оилавий тилнинг маҳсули саналиб, бола оиладаги мулоқот жараёнида инкор ва тасдиқни бош ҳаракатлари орқали ифодалашни ўрганади ва коммуникатив акт доирасида ўзлаштиради. А.Н.Байкулова ёзишича, оила нутқи муайян хонадонда узоқ вақт бирга яшаб келаётган, қон-қариндошлик ришталари билан боғланган инсонларнинг тили саналади [2.137].

Бошқа жиҳатдан олиб қараганда, оила аъзолари бошқалар билан коммуникатив муносабатда бўлар экан, адабий тилга нисбатан фарқлиликлар, шунингдек, умумийликлар намоён бўлади. Фонетик, лексик, грамматик жиҳатлар ўрганилганда, «оила тили»нинг ўзига хослиги намоён бўлади.

«Оила тили»нинг ўзига хослиги, энг аввало, коммуникантларнинг узоқ вақт ўзгармаслигида намоён бўлади ва бунинг натижасида, фонетик, лексик, грамматик жиҳатлар мукаммаллашади ва муқимлашади. Токи катталардан кичикларга ўзлаша боради. Шунингдек, ўзларигагина хос бўлган тушунчалар, имо ва ишоралар, лексик бирликлар шакллана боради.

«Оила тили»нинг яна бир ўзига хос жиҳати оилавий ҳолат билан алоқадорликда экани. Коммуникантларнинг бир хил эканлигидан ташқари ҳолат, турмуш тарзи ҳам бир хил бўлади. Бу эса нутқий жараёнда эллиптик ёндашувни, нутқий экономияни тақозо этади. Шунингдек, оилавий коммуникантлар мулоқотида лексик бирликлар, фраземалар, мақол ва маталлар, тасвирий ифодалар, просодик, интонацион, паузатиф ўзига хосликлар, мимик, ишоравий, соматик воситалар ишлатиладики, уларни тушуниш, англаб етиш, идрок қилиш қийинчилик туғдирмайди.

«Оила тили» соҳибларининг ўз «оила луғати» бўладики, улар оғзаки нутқда ишлатилиб, оиланинг шахсий луғатини ташкил этади. Бу каби луғатлар оила аъзоларини индивидуал луғатларидан келиб чиқади ва оила даврасида оммалашиб, фаол ишлатилувчи сўзлар сирасига киради.

«Оила луғати»нинг яратилиши аъзоларнинг ўзаро мулоқоти давомида нутқий экспрессияни шакллантириши, кўчма маънода қўллаш, ҳазиллашиш, бошқалардан беркитиш мақсадида ишлатилади. Бунинг учун коммуникантлар муайян сўзни кўчма маънода ишлатиши, болалар нутқи асосида сўзларни талаффуз қилиши ва шу аснода ишлатиши, маълум мақол, матал, ибора ёки сўзлар қўшилмасини муайян маънода қўллаши мақсадга мувофиқ бўлади. Айрим сўзларни катта авлод вакилларидан олиб мерос сифатида ишлатиш, ўзлари нотабиий ҳолда янги сўз шакли ясаб уни муайян маънода ишлатиш, бошқа тилдан ўзлашмаган сўзни олиб ишлатиш, бадиий асардан, кинофильм, театр ёки ОАВдан лексик бирликларни олиб қўллаш орқали амалга оширилади.

Машҳур тилшунос Д.Н.Шмелев: «Инсонда лексик бирликларнинг захираси, нутқнинг оҳангдорлиги, морфологик вариантларни қўллаш - шу ва шу каби инсондаги индивидуал нутқий жиҳатлар оилавий анъанавий, нутқий ўзига хосликлар натижаси саналишини таъкидлаб, у болаликнинг турли даврларида оилада нутқий фрагментларни ўзлаштириб боради», - деб айтади [7.100].

Тилшунослар учун муайян оила тилини ўрганиш ниҳоятда қийин: сўровномалар ўтказиш, савол-жавоблар ташкил этиш, мулоқот жараёнларида иштирок этиш.... сунъийликни келтириб чиқаради ва кўзланган натижани бермайди, яъни оила тили - бу оиланинг сири саналади. Масалан: ҳар бир оилада фарзандингизнинг ўндан ортиқ исми бўлади: эркалаб, қисқартириб, алмаштириб, ўхшатиб, бирор воқеа шарафига ва б. Барча номлар ўз мотивациясига эга бўлиб, бу ўша оила «тарихи» орқали аниқланади. Оилада Гуласал исмли фарзанд Гули, Гул, Гуля, Гулим, Атиргул, Атирхон, Асал, Қаққа, Новвот, Ширин каби номлар билан алмашади. Шунингдек, оила доирасидаги кечинмалар асосида турли номлар (лақаблар) қўйилади: ачом (ҳамма билан ачомлашиб кўришгани учун), Юлдузхон (ёшлигида Юлдуз Усмонова ашулаларини айтгани учун), профессор (кўп китоб ўқигани учун), ***китоб*** (қонун доирасида иш кўрганлиги учун), бой, бойбола (яхши ният билан), Қоравой, Маллавой (боланинг рангига кўра) ва б.

Оила тили лексикони энг бой саналиб, уй анжомлари, кийим-кечаклар, уйнинг хоналари, нарсалар, жараёнлар, ҳаракатлар, ҳолатлар оила луғатини шакллантирадики, натижада ўша нарсалар янги номларига эга бўлади. Булар оила мулоқоти доирасида тушунарли бўлиб, анъанавий атамалардан фарқ қилади. Шунингдек, айрим номлар ишоравий маънода ҳам ишлатилиши мумкин. Бошқа одамдан яшириш, оилавий табу, оиланинг анъанаси, урф-одатлари ва бошқа сабабларга кўра оиланинг лексик қатлами шаклланади. Масалан: «Аканг қани?», - деган саволга (у ҳожатхонада бўлса), «Бурчакда», «Нолавойда», - деб жавоб берилади.

Оила жамиятнинг кичик бўғини экан ва ҳар қандай бола кейинчалик жамиятнинг фаол аъзосига айланар экан, унинг катта нутқий қозонда қайнашида оила тили сабоғи катта аҳамият касб этади. Зеро, инсоннинг нутқий камолот даври мактабгача таълим, умумтаълим мактаблари, ўрта махсус таълим ва олий таълим босқичларида такомиллашсада, пойдевор сифатида оила тили асос бўлиб хизмат қилади. Ахир нарсаларнинг номланиши, сўзларнинг талаффузи, коммуникатив актнинг юзага чиқиши болаликдан шаклланади.

Ҳар бир инсоннинг тил (нутқ) имкониятларини шакллантирувчи, унинг ривожи учун асос бўлиб хизмат қилувчи оила тилига шу вақтга қадар эътибор берилмас эди. Лекин тилимиздаги (нутқимиздаги) қусурлар ҳақида гапирилар, камчиликларни бартараф этиш кераклиги айтилар эдию йўл ва сабаблари аниқланмас эди. Бизнингча, ўзбек тили имкониятларидан кенг фойдаланиш, таъсирли ва жозибадор нутқни амалиётга жорий этиш, инсонда сўз захирасини кўпайтириш ва уни амалиётда ишлатишни йўлга қўйиш учун оила тилининг сифати ва самарадорлигига эътиборни қаратиш даркор.

Мулоқотда инсон омили катта аҳамият касб этгани сабабли ҳам тилшуносликда шахс масаласига эътибор кучайиб бормоқда.

Тилшуносликда шахс тушунчаси, биринчидан, ижтимоий тараққиётнинг натижаси дсб қаралиб, кишининг касбий, ижтимоий, жинсий, ёш асосидаги, ирқий, этник, диний, ҳуқуқий ва бошқа муносабатлари натижасида рўёбга чиқади. Ҳар қандай шахс маълум даврнинг маҳсули экан, ўша давр ижтимоий тафаккури, психологияси, маданияти ва яшаш тарзини ўзида намоён қилади. Ундаги индивидуаллик умумийликни келтириб чиқаради, ёинки умумийликнинг ҳосиласига ўз ҳиссасини қўшган бўлади. У мулоқот тизимида асосий фигура сифатида гавдаланиб, унинг алоқа-аралашув фаолияти муносабатлар тизимида элемент сифатида, уни шакллантирувчиси сифатида гавдаланади. Иккинчидан, шахс нафақат таъсир объекти саналади, балки ижтимоий меҳнатнинг, онгли фаолиятнинг иштирокчиси, мулоқотга киришувнинг моддий-маънавий субъекти, оламни идрок қилувчи ва уни вербал йўл билан қайта ифодалаб берувчи, шунингдек, унга ўз муносабатини билдирувчи, ўз «Мен»ига эга бўлиб, ўз имкониятлари даражасида бошқа шахсга таъсир этувчи, мулоқотга кирувчи шахсдир. Шахс шахсий қизиқишлар ва мотивлар асосида шаклланса-да, бунда унинг фаолияти ижтимоий стимул касб этади. Бу эса унда индивидуаллик, оригиналликнинг шаклланишига асос бўлади. Шахс умумқабул қилинган, фаолият ва мулоқотнинг барча учун нормаллашган, шаклланган этикет асосида алоқага киришиши билан бирга унга ижодий ёндашади, унга янгиликлар киритади.

Тилшуносликда антропоцентрик ёндашув тадқиқотчилар эътиборини тил системасини уни ташкил этувчиси бўлмиш сўзловчи шахс билан уйғунлашган ҳолда ўрганишни тақозо этадики, бу билан тил реал коммуникация шароитида тадқиқ этилади.

Адабиётлар:

1. Современный русский язык: социальная и функциональная дифференциация.- М.: Языки славянской культуры. 2003.

2. Байкулова А.Н. Культура семейного общения как залог культуры / Проблемы речевой коммуникации. – Саратов: ИЦ «Наука», 2014.

3. Бондалетов В.Д. Социальная лингвистика.- М.: Просвещение, 1987.

4. Маҳмудов Н. Тилимизнинг тилла сандиғи.- Т., 2012.

5. Пражский лингвистический кружок.- М.: Прогресс, 1967.

6.Саломатина М.С. Коммуникативная личность филолога. АКД.- Воронеж, 2005.

7. Язык и личность. (Отв. редактор Шмелев Д.Н.).- М.: Наука,1989.

Андижон давлат университети,
2018 йил 6 сентябрда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. З.Қодиров)